



№16 (869)
2025 йил 4 март,
сешанба

O'ZBEKISTON BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy
gazeta

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА



uzbunyodkor t.me/uzbunyodkor uzbunyodkor info@uzbunyodkor.uz uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.



АҲОЛИ ФАРОВОНЛИгини ЯНАДА ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЛОЙИХА

Қурилатган ҳар бир бино ва иншоот халқимизга узоқ вақт ҳамда барқарор хизмат қилиши мақсадга мувофиқдир.

Муроджон НЕЪМАТОВ,
Наманган вилояти
Қурилиш ва уй-жой
коммунал хўжалиги соҳасида
худудий назорат қилиш
инспекцияси бошлиғи.

Рамазон –
саховат, бирдамлик
ва бағрикенглик ойи

Нигора НОЗИМЖОНОВА,
“O'zbekiston bunyodkori” муҳбири.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз улкан бунёдкорлик маконига айланди. Бугунги кунга мос ва халқимиз фаровон ҳаёт кечирадиган янги манзиллар барпо этилмоқда. Эътибор қилинг, биргина 2024 йилда қурилиш соҳасидаги рекорд кўрсаткич 100 мингдан ортиқ хонадонлар қурилди. Келгусида бундан ҳам катта марралар кўзланган. Фикримизга пойтахтимизга ёндош худудда барпо этиладиган Янги Тошкент шаҳри ёрқин мисол бўла олади.



Тошкент Марказий Осиёда аҳолиси энг кўп шаҳарлардан бири. Бу ерда қарийб 5 миллион нафар одам истиқомат қилади. Яқин 10-20 йил ичида пойтахт аҳолиси яна 2-3 миллионга ортиши прогноз қилинмоқда. Бу, ўз навбатида, мавжуд инфратузилмага юқлама ортишидан сигнал беради. Экспертларнинг фикрича, ушбу фактор иқтисодий ўсиш суръатига ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Ана шу эҳтиёجلарга жавоб тариқасида 2023 йил 18 март санасида Давлатимиз раҳбари “Янги Тошкент” лойиҳасига старт берди. Бунинг учун Юқори Чирчиқ ва Ўрта Чирчиқ туманларидан 20 минг гектар ер ажратилди. Ўйлаш мумкин, яшил майдонларнинг камайиб кетиши, зичлик муаммосига ечим бўлиши кутилмоқда.

Маълумки, “Янги Тошкент” лойиҳасига 2023 йил 18 март куни тамал тоши қўйилган эди. Шу муносабат билан ўтган маросимда давлатимиз раҳбари у “яшил шаҳар” бўлишини айтган эди. Бу – ҳаво ва сув тозаллиги, муқобил энергия манбалари, даракзорларнинг қўлиги каби мақсадларни ўз ичига олади. Тошкентнинг “яшил белбоғ” лойиҳаси шу ердан бошланади. 420 гектар майдонда марказий боғ барпо этилиб, 200 минг туп даракт кўчатлари экилади. Бунинг учун иш ҳозирдан бошланиб, 50 гектар майдонда кўчатхона ташкил этилган. Лойиҳага кўра Янги Тошкент худудининг 30 фоизи яшил майдонлар

учун ажратилади. Хусусан, 420 гектар майдонда марказий боғ барпо этилиб, 200 минг туп даракт экилади. Бунинг учун иш ҳозирдан бошланиб, 50 гектар майдонда кўчатхона ташкил этилган. Кейинчалик бу ерда кўним топан ташкилотларга ўз худудига биттадан даракт экиш талаби қўйилади. Бу бир сўз билан айтганда, янги шаҳар экологик яшил шаҳар бўлиши айтилмоқда.

Янги шаҳарда тегишли вазирлик ва идоралар ишини ташкил этиш учун маъмурий бинолар қурилмоқда. Ҳозирда энгил конструкциялардан 4 та бино ва ёрдамчи иншоотлар барпо этилиб, улар қуришда маҳаллий қурилиш материалларидан фойдаланилган. Офисларнинг ҳар бирида 250 нафаргача ходим фаолият юритиши мумкин.



“Янги Тошкент”ни шакллантириш орқали Тошкентдаги тирбандликларнинг олди олинади, тармоқларга тушаётган юқламалар энгиллаштирилади ва Янги Тошкентда замонавий шаҳарсозлик қурилиш материалларидан фойдаланиб, тажрибадан ўтган жараёни нафақат Тошкент, балки бутун республикада ҳаёт даражасини оширишга хизмат қиладиган синов лабораторияси бўлади.

Янги Тошкент қурилиши 6 босқичда 2045 йилга қадар давом этиши айтилмоқда. Лойиҳанинг биринчи босқичида маданий-маърифий кластер, университетлар қурилиши белгиланган. Янги Тошкент “15 дақиқалик шаҳар” концепцияси асосида режалаштирилган бўлиб, унда мактаблар,

тиббий хизматлар, дўконлар ва ҳатто яшил майдонлар 15 дақиқада пиеда ёки велосипедда етиб олиш мумкин бўлган радиусда жойлашади. Лойиҳа маъмуриятига кўра, Янги Тошкентни фақат ўзбекистонлик қурувчиларнинг ўзлари қуришмайди. Бу лойиҳани амалга оширишга ҳозирча Хитой, Буюк Британия, Туркия, Россия давлатларидан инвесторлар қизиқиш билдиришган. Бу, ўз навбатида, Янги Тошкентни мамлакатимизнинг бизнес пештахтаси сифатида тақдим этиш имконини беради. Бу орқали халқаро инвестицион компаниялар, жамғармалар Ўзбекистоннинг салоҳиятини кўриши мумкин. Осиё тараққиёт банкнинг шаҳарсозлик бўйича бош мутахассиси Кристин Чан бу борада CNN телеканалига интервью бериб: “Янги Тошкент янги иқтисодий лойиҳалар марказига айланади. У иқлим ўзгаришига чидамли инфратузилмани ўзида мужассам этиб, кўплаб инвестицияларни жалб қилади, янги инвестицион кластерларни қамраб олади. Ўйлаш мумкин, янги иш ўринларини яратиш, сармояларни жалб этиш ва мамлакат иқтисодий ривожлантиришда муҳим роль ўйнаши мумкин” деганди.

2024 йилнинг 3 апрель куни Янги Тошкент шаҳрида илк иншоотлар қурилиши бошланган эди. Давлатимиз раҳбари “Бу улкан лойиҳа илм ва таълим масканларидан бошланаётганига ургубериб, улар маърифатли жамиятга барпо этиш гоъямизнинг асоси ва намунаси бўлади”, деган эди.

ҒОЛИБЛАР РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИДА БЕЛЛАШАДИЛАР

Мамлакатимизда кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатишни яхшилаш, бошқарув сервис органларининг иш фаолиятини янада жадаллаштириш мақсадида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш, машаққатли меҳнатини кенг тарғиб қилиш ҳамда намунавий бошқарув органлари фаолиятини оммалаштириш мақсадида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан “Энг яхши кўп қаватли уйни бошқариш органи” танлови ўтказилмоқда.



Ҳозирга қадар танловнинг иккинчи босқичи, яъни вилоят босқичлари қатор худудларда катта қизиқиш ва кизғин тайёргарлик билан ўтказилди. Эндиликда вилоят босқичларида ғолиб бўлган бошқарув компаниялари Тошкентда учрашиб, республика босқичида ўз маҳоратларини намойиш этишади.

Хусусан, Самарқанд вилоятида бўлиб ўтган танловнинг 2-босқичида 1-босқичда энг юқори натижага эришган бошқарув органлари ўзларининг ишчи-ходимлари, моддий-техник базалари билан иштирок этишди. Танловнинг янада очик ва шаффоф ўтишини таъминлаш мақсадида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги мутасаддилари ҳам қатнашиб, ҳамма шартларни қондаларга мувофиқ бажарилишини назорат қилдилар. Тадбир давомида худуддаги кўп қаватли уйлар олдида манзарали

даракт кўчатлари экилди. Комиссия аъзолари томонидан танлов иштирокчиларини баҳолашда бошқарув органларининг замонавий талабларга қанчалик жавоб бериши, кўп қаватли уйларнинг техник ҳолати, бошқарув органлари таркибидagi ишчи-ходимлар шайлиги ҳамда қонунчилик ҳужжатларидан қанчалик хабардор экани инобатга олинди. Шунингдек, бошқарув органлари тўғрисида аҳолининг фикри ва баҳоси ҳам ҳал қилувчи овозга эга бўлди. Танлов натижаларига кўра, Самарқанд шаҳрида фаолият юритаётган “Бўстонсарой коммунал” бошқарув сервис компанияси ғолибликни қўлга киритди. Ғолибларга Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармасининг махус диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

1-бет АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЛОЙИҲА

Ана шу сўзларнинг тасдиғи сифатида, янги шаҳардаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси биносини ҳам барпо этиш биринчи даражада, деб қаралган. Чунки Президентимиз айтганидек, жамиятнинг тараққий этиши, ривожланиши албатта илм-фан билан боғлиқ. Ўзбекистон миллий кутубхонаси бир вақтнинг ўзида 1 420 нафар китобхонни қабул қилиш имконига эга бўлади. Ўзбекистон Миллий кутубхонасини юртимиздаги барча олий таълим муассасалари билан интеграциясини амалга ошириш, дунёдаги кутубхоналар дейимизи, илмий-тадқиқот институтларини улар билан ахборот манбаларини алмашиш, талабаларни, профессор-ўқитувчиларни энг янги, замонавий илм билан қуроллантириш масаласи қўйилган. Янги бинода янги ахборот кутубхонаси соҳасида татбиқ қилинаётган янги технологиялар билан хизмат кўрсатиш йўлига қўйилиши Давлат раҳбари томонидан алоҳида таъкидланган.

Ўзбекистон миллий кутубхонаси маҳобатли мажмуа ўз номига монанд миллий дизайн бўлади. Жами 30 минг квадрат метр майдонда жойлашадиган ушбу илм ўчоғида кутубхона фондидаги адабиётларни муносиб сақлаш, санокдан ўтказиш, хавфсизлигини таъминлаш ва стерилизация қилишга мўлжалланган махсус-ускуналар ўрнатилади. Шунингдек, мажмуа кўп функционал бўлиб, замонавий кутубхонада ходимлар ҳам шунга муносиб бўлиши, илгор ахборот технологиялари ва хизматларини яхши билиши кераклиги, Президентимиз томонидан таъкидланган. Шу боис Ўзбекистон Миллий университети ва бошқа ўқув юрталарда кутубхоначилар тайёрлаш сифатини ошириш вазифаси қўйилган. Давлат раҳбарининг топшириғига кўра, ҳудудлардаги аҳолини ҳам ўқитишга қўлайликлар яратиш мақсадида мамлакатимизнинг 14 та шаҳрида кутубхона филиалларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Президентимиз ташаббуси билан айнан ёшларнинг илм-фанга бўлган эътиборини ҳисобга олиб, биринчи навбатда Ўзбекистон Миллий университети, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ва Янги Ўзбекистон университетлари кампусларини қуриш ишлари олиб боришмоқда. Бугунги кунда жойларда 100 дан ортиқ ишчилар ишлайпти. Объектларда ер ости, фундамент ишлари тугатилиб, тепа қаватларини кўтариш ишлари амалга ошириляпти.

Шаҳарда Тошкент давлат педагогика университети ҳамда Янги Ўзбекистон университети учун замонавий мажмуалар ҳам бунёд этилмоқда. Университет учун 40 гектарлик майдонда 20 минг талабага мўлжалланган ўқув бинолари қурилади. Шунингдек, 5 минг ўринли ётоқхона, 300 ўринли боғча, 616 ўринли мактаб, 588 ўринли академик лицей, спорт ва маданият саройлари, амфитеатр ва бошқа иншоотларни ўз ичига олади. Бир сўз билан айтганда, юқори рейтингли, хорижий олий таълим муассасалари асосида боғча-мактаб-университет яхлитлигидаги инновацион педагогик кластер ташкил этилади.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилган Янги Ўзбекистон университети олий таълим тизимида янги даража бўлди. Унинг ўқув дастурлари дунё рейтингига турмучи университет профессор-ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда Германия стандартлари асосида ишлаб чиқилган. Бу ерда ўқиш истағида бўлган ёшлар сони йилдан йилга ортимоқда. Бугунги кунда университетда 1000 нафардан ортиқ талаба таълим олмақда. Университет учун янги мажмуа қурилиши 3 босқичда олиб борилади. Дастлаб ўқув бинолари ва ректорат бунёд этилиши кўзда тутилган. Яқунда 10 минг нафар



талабани қамраб оладиган 5 та факультет, бир вақтнинг ўзида 8 минг нафар талабага хизмат кўрсатадиган ректорат биноси қад кўтарди. Кутубхона, музей, кўрғазма зали, мультимедиа хонаси, спорт мажмуаси, сузиш хавзаси ташкил этилади.

Шунингдек, ўқитувчилар учун 286 ўринли турар жой, талабалар учун 2000 ўринли ётоқхона қурилиши режалаштирилган. Бу маърифат масканлари ёшларимизга инвестиция, улардаги йўналишлар, дастурлар, таълим сифати ва касбларда Янги Ўзбекистонимиздаги марралар муассасаси бўлиши керак. Бугун билим олаётган ёшларимиз келажакда мамлакатимизни олдинга бошлайдиган, муаммоларни ҳал этадиган калит, деганди Президент.



Шунингдек, қурилишнинг биринчи босқичида Алишер Навоий маданий марказини барпо этиш кўзда тутилган. Унинг лойиҳасини Буюк Британиянинг "Zaha Hadid Architects" компанияси ишлаб чиққан. Дизайн муаллифларининг сўзларига кўра, бино тоғларга қиёс қилиниб, шу шаклда қурилади. Объектнинг бир сўз билан айтганда, маданий қадриятлар ва замонавийликни ўзида мужассам этган марказ, деб аташ мумкин.

Ўзбекистон Президентини янги шаҳарни барпо этиш жараёнини, аввало, унинг маданий илдизидан бошлаш кераклигини таъкидлаган эди. Унинг бу гапларини иқтибос сифатида келтирар эканман, юртингизда маданий объектларни сақлаш ва ривожлантиришга қаратилганидан очиги хайратланардим. Компанияси Алишер Навоий маданий марказини лойиҳалаш учун танлаб олинганидан жуда хурсандим. Дизайнда энг кўп эътибор қилганимиз иқлим шароитлари, ҳаво циркуляцияси, бино иситиш ва совутиш тизими бўлди. Бундан келиб чиқиб биз минимализм ва пассив дизайн усуллари билан фойдаландик, - деди "Zaha Hadid Architects" компанияси директори Паоло Матюзи.

Ўзбекистон раҳбарининг ижтимоий иқтисодий ислохотлар дастурига кўра, 2030-йилда Тошкентни яшаш учун энг қўлай 50 та шаҳардан бирига айлантириш мақсад қилинган. Умумий ҳисобда 7,5 миллион аҳолининг қўлай яшashi ва ишлаши учун электр, сув ва канализация инфратузилмаси яхшиланиши режалаштирилган.

Биринчи босқич доирасида платформа орқали сотилган ер участкаларида маҳаллий ва хорижий компаниялар томонидан 12 та инвестицион лойиҳалар амалга оширилмоқда. 12 та лотлардан 11 тасида кўп қаватли Mix used тоифасидаги турар жойлар, битта ресторан ва меҳмонхона лойиҳасидан иборат. Лойиҳадаги уйлар премиум класс уйлар ҳисобланиб, унинг умумий қиймати

туннель, 100 минг автомобилга мўлжалланган ер ости тураргоҳлари қурилади. Пиедалар ва велосипедчиларнинг хавфсиз ҳаракатланиши учун кенг қўлайликлар яратилади.

Ҳозирги кунда бўлажак чорраҳалардан бирида устунлар пойдеворини қўйиш ва гидроизоляция ишлари бажаришмоқда. Ташриф чоғида келажакки инobatга олиб, қурилиши юқори сифати ва ташиқ таъсирларга чидамли материаллардан фойдаланган ҳолда олиб бориш бўйича керакли тасвиялар берилди.

Янги Тошкент лойиҳасидаги дастлабки объектларни 2027 йилгача босқичма-босқич яқунлаш режа қилинган. Эътиборлиси иншоотларни қуришда халқаро пудратчилар қатори маҳаллий компаниялар ва қурувчилар иштирок этмоқда. Илгари хорижда меҳнат қилган мигрант қурувчиларимиз энди ўша ҳақ эвазига маҳаллий шароитда ишлаб, рўзғор тебратишмоқда. Қурилиш ишларини янада жаддалаштириш мақсадида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиғи вазирлиги Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиғи билан ҳамкорликда чет давлатлардаги қурилиш объектларида иш юритаётган ҳамюртларимизни янги шаҳарни барпо этишда иштирок этишга чорлашмоқда.

Режага кўра, лойиҳанинг иккинчи босқичида бизнес мавзеси қурилади. У Тошкентнинг марказий қисмига уланади. Бунинг учун Тошкент ва Янги Тошкент метро линиялари билан боғланади. Учинчи босқичда эса Янги Тошкентнинг жанубида замонавий санoат ва қишлоқ хўжалиғи IT соҳаларига мўлжалланган инновацион туман барпо этилиши белгиланган.

Шаҳар 2 миллион аҳолига мўлжалланган, унинг устида катта жамоа ишламоқда. Бу аҳоли турмуш даражасини янги босқичга кўтарадиган лойиҳа. Янги Тошкент икки дарё орасида жойлашган. Шаҳарнинг макрo иқлимини яхшилаш мақсадида сунъий каналлар тармоғи ташкил қилинади. Мазкур тармоқ атрофида яшиллик аркаси пайдо бўлади. Яъни, аҳоли учун қўлай масофада жойлашган парklar, яшил ҳудудлар яратилади. Шу жиҳатдан Янги Тошкентни Марказий Осиёнинг Амстердамидеб аташ мумкин, - деди "Cross works" компанияси директори Ҳакан Агча.

Янги Тошкентнинг яна бир ноёб хусусияти бу ундаги энергия соҳасидаги янгиликлардир. Яъни, қайта тикланадиган энергия манбалари, қуёш шамол энергияси кабиларни қўллашдир. Демак, Янги Тошкент шаҳри лойиҳаси тўлиқ атроф-муҳитга хавфсиз ва экология тоза лойиҳа бўлади.

Жорий йилда шаҳарнинг кейинги босқичлари учун ер участкалари босқичма-босқич тақлиф қилинмоқда. Ҳар бир босқичда янги инвестицион лойиҳалар тақдим этилади. Бу, ўз навбатида, нафақат шаҳарни ривожлантириш, балки кўпқаб янги иш ўринларини яратиш, маҳаллий бизнесни қўллаб-қувватлашга ҳам хизмат қилади.

Умуман, келажакда инновацион технологияга асосланган юқори даромадли 200 минг иш ўрни яратилади. Бунинг учун янги техно-парklar, IT парк, таълим ва тиббиёт кластерлари ташкил этилади.

Аҳоли сони ва иқтисодий ўсиб бораётган мамлакат учун янги қурилаётган ҳудудларни ривожлантириш, бу табиий жараён. Янги Тошкент эса муҳандислик транспорт инфратузилмасига юклама тушишининг олдини олибгина қолмай, аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий ва маданий объектларни ҳам ўзида жамлайди.

1-бет ҒОЛИБЛАР РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИДА БЕЛЛАШАДИЛАР



Кўрик-танловнинг Наманган вилояти босқичи ҳам кўтаринки руҳда ўтказилди. Вилоят босқичида 8 та БСК иштирок этиб, ўз малака ва тажрибаларини намойиш этишти. Жамоалар турли йўналишлар бўйича беллашиб, бошқарув самардорлиги, инновацион ёндашувлар ва келажак режалари юзасидан баҳоланди. Бугунги кунда Наманган вилоятида 1 840 та кўп қаватли уй-жойлар мавжуд. Ушбу уй-жойларга вилоят бўйича 42 та бошқарув сервис компанияси хизмат кўрсатиб келмоқда. Танловнинг 1-босқичида қатнашган 25 та бошқарув компанияси фаолияти таҳлил қилинди ва вилоят босқичида 8 та бошқарув сервис компанияси иштирок этиди. Дастлаб иштирокчилар ўзига ажратилган майдонда иш фаолиятига доир кўрғазмаларни қурувлар билан қатнашдилар. Шунингдек, кўп қаватли уй-жойларнинг техник ҳолатлари бўйича маълумотлар комиссия аъзолари томонидан ўрганиб чиқилди. Кўрик-танловнинг вилоят босқичида 9 та бошқарув органи беллашди. Бугунги кунда вилоятда 2448 та кўп қаватли уй-жойлар мавжуд. Ушбу уй-жойларга вилоят бўйича 34 та бошқарув сервис компанияси хизмат кўрсатиб келмоқда. Танловнинг 1-босқичида қатнашган 26 та бошқарув компанияси фаолияти таҳлил қилиниб, улар орасидан 9 таси танлаб олинган эди. Дастлаб иштирокчилар ўзига ажратилган майдонда иш фаолияти билан боғлиқ бўлган кўрғазмали қурувларини намойиш этишти. Шунингдек, кўп қаватли уй-жойларнинг техник ҳолатлари бўйича маълумотлар комиссия аъзолари томонидан ўрганиб чиқилди. Хизмат сифатининг юқорилиғи, инновацион ёндашувлар, атроф-муҳитга таъсирни камайтириш, жамоанинг малакаси ва тажрибаси, шунингдек, ташкилотнинг обрўси, рақобатчилар билан солиштиришда афзалликлари ва тегишли ҳуқуқий талаблар ҳам танловда муваффақиятга эришишга ёрдам берди. Кўрик-танловнинг вилоят босқичи яқунда "Иттифоқ истиклол сари" бошқарув сервис компанияси республикага йўл олди.

Бухоро вилоятида ўтказилган танловнинг 2-босқичида 1-босқичда энг юқори натижага эришган 5 та БСК ғолиблик учун беллашдилар. Танлов давомида бошқарув органларининг меҳнат жамоалари турли баҳолаш мезонлари бўйича беллашиб, ўз тажрибалари ва инновацион ёндашувларини намойиш этишти. Шунингдек, БСКлар томонидан моддий-техник ресурслар, техника воситалари ва зарурий анжомлар жамланмаси кўрғазмаси ҳам ташкил этилди. Ғолибликни қўлга киритган бошқарув органлари ҳакамлар хайъати томонидан аниқ мезонлар асосида баҳоланиб, кейинги босқичга йўлланма олдилар.

Танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи Нукус шаҳридаги "Сарбиноз" массивида ташкил этилди. Танловнинг биринчи босқичида 10 та бошқарув органи иштирок этиб, улар орасидан энг юқори натижага эришган 3 та БСК, 1 та УЖМШ ва 1 та ўзини ўзи бошқариш органи 2-босқичда иштирок этиди. Танлов давомида жамоалар турли баҳолаш мезонлари бўйича беллашиб, ўз тажриба ва инновацион ёндашувларини намойиш этишти. Ғолиблар аниқ мезонлар асосида баҳоланиб, кейинги босқичга йўлланма олишти.

Қашқадарё вилоятида ташкил этилган танловнинг 2-босқичида

Ғолибликни қўлга киритган бошқарув органлари ҳакамлар хайъати томонидан аниқ мезонлар асосида баҳоланиб, кейинги босқичга йўлланма олдилар.

Танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи Нукус шаҳридаги "Сарбиноз" массивида ташкил этилди. Танловнинг биринчи босқичида 10 та бошқарув органи иштирок этиб, улар орасидан энг юқори натижага эришган 3 та БСК, 1 та УЖМШ ва 1 та ўзини ўзи бошқариш органи 2-босқичда иштирок этиди. Танлов давомида жамоалар турли баҳолаш мезонлари бўйича беллашиб, ўз тажриба ва инновацион ёндашувларини намойиш этишти. Ғолиблар аниқ мезонлар асосида баҳоланиб, кейинги босқичга йўлланма олишти.

Қашқадарё вилоятида ташкил этилган танловнинг 2-босқичида

Ғолибликни қўлга киритган бошқарув органлари ҳакамлар хайъати томонидан аниқ мезонлар асосида баҳоланиб, кейинги босқичга йўлланма олдилар.

Танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи Нукус шаҳридаги "Сарбиноз" массивида ташкил этилди. Танловнинг биринчи босқичида 10 та бошқарув органи иштирок этиб, улар орасидан энг юқори натижага эришган 3 та БСК, 1 та УЖМШ ва 1 та ўзини ўзи бошқариш органи 2-босқичда иштирок этиди. Танлов давомида жамоалар турли баҳолаш мезонлари бўйича беллашиб, ўз тажриба ва инновацион ёндашувларини намойиш этишти. Ғолиблар аниқ мезонлар асосида баҳоланиб, кейинги босқичга йўлланма олишти.

Қашқадарё вилоятида ташкил этилган танловнинг 2-босқичида

Ғолибликни қўлга киритган бошқарув органлари ҳакамлар хайъати томонидан аниқ мезонлар асосида баҳоланиб, кейинги босқичга йўлланма олдилар.

1-босқичда қатнашган 17 та бошқарув сервис компаниялари орасида энг юқори натижага эришган 5 та БСК ғолиблик учун беллашдилар. Тадбирда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиғи вазирлиғи ҳузуридаги Компетенция ривожлантириш институти ректори Аъзамиддин Қўлдошев сўз олиб, бошқарув ташкилотларига керакли тасвияларни берди. Маълумот учун, танлов давомида жамоалар ҳакамлар томонидан 3 та йўналишда баҳоланди. Энг яхши натижа кўрсатган бошқарув сервис компанияси кейинги босқичга йўлланма қўлга киритди.

Ғолибликни қўлга киритган бошқарув органи ҳакамлар хайъати томонидан аниқ мезонлар асосида баҳоланиб, кейинги босқичга йўлланма олдилар.

Танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи Нукус шаҳридаги "Сарбиноз" массивида ташкил этилди. Танловнинг биринчи босқичида 10 та бошқарув органи иштирок этиб, улар орасидан энг юқори натижага эришган 3 та БСК, 1 та УЖМШ ва 1 та ўзини ўзи бошқариш органи 2-босқичда иштирок этиди. Танлов давомида жамоалар турли баҳолаш мезонлари бўйича беллашиб, ўз тажриба ва инновацион ёндашувларини намойиш этишти. Ғолиблар аниқ мезонлар асосида баҳоланиб, кейинги босқичга йўлланма олишти.

Қашқадарё вилоятида ташкил этилган танловнинг 2-босқичида

Ғолибликни қўлга киритган бошқарув органлари ҳакамлар хайъати томонидан аниқ мезонлар асосида баҳоланиб, кейинги босқичга йўлланма олдилар.

Танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи Нукус шаҳридаги "Сарбиноз" массивида ташкил этилди. Танловнинг биринчи босқичида 10 та бошқарув органи иштирок этиб, улар орасидан энг юқори натижага эришган 3 та БСК, 1 та УЖМШ ва 1 та ўзини ўзи бошқариш органи 2-босқичда иштирок этиди. Танлов давомида жамоалар турли баҳолаш мезонлари бўйича беллашиб, ўз тажриба ва инновацион ёндашувларини намойиш этишти. Ғолиблар аниқ мезонлар асосида баҳоланиб, кейинги босқичга йўлланма олишти.

Қашқадарё вилоятида ташкил этилган танловнинг 2-босқичида

Ғолибликни қўлга киритган бошқарув органлари ҳакамлар хайъати томонидан аниқ мезонлар асосида баҳоланиб, кейинги босқичга йўлланма олдилар.

Танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи Нукус шаҳридаги "Сарбиноз" массивида ташкил этилди. Танловнинг биринчи босқичида 10 та бошқарув органи иштирок этиб, улар орасидан энг юқори натижага эришган 3 та БСК, 1 та УЖМШ ва 1 та ўзини ўзи бошқариш органи 2-босқичда иштирок этиди. Танлов давомида жамоалар турли баҳолаш мезонлари бўйича беллашиб, ўз тажриба ва инновацион ёндашувларини намойиш этишти. Ғолиблар аниқ мезонлар асосида баҳоланиб, кейинги босқичга йўлланма олишти.

Қашқадарё вилоятида ташкил этилган танловнинг 2-босқичида

Ғолибликни қўлга киритган бошқарув органлари ҳакамлар хайъати томонидан аниқ мезонлар асосида баҳоланиб, кейинги босқичга йўлланма олдилар.

Ўз мухбирларимиз.

Худудларга муносиб хаёт ва фаровонлик нафаси кириб бормоқда



Дилшод РЎЗМАТОВ, Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи.

Янги уй, янги ҳаёт, замонавий турмуш. Президентимиз ташаббуси билан қурилиши бошланган "Янги Ўзбекистон" массивлари туфайли худудлар янада обод масканларга айланмоқда. Бу массивлар эса сифат нуқтаи назаридан замон талабларига тўла жавоб бериши, инфратузилма ва ижтимоий соҳа объектилари ҳам мавжудлиги билан янада аҳамиятга моликдир.

Дарҳақиқат, бугунги кунда аҳолига муносиб яшаш шароитларини яратиш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги "Янги Ўзбекистон" массивларини қуриш ва худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ижроси юзасидан Сирдарё вилоятида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2023-2024 йилларда Янгир шаҳрида 16 гектар ер майдонида "Янги Ўзбекистон" массиви барпо этилиши белгиланган эди. Массивда ташаббускор тадбиркорлар томонидан банк кредит маблағларини жалб қилган ҳолда 3 босқичда жами 64 та, шундан, Янгир шаҳар А. Жомий массивида 50 та 5 қаватли, Боёвут тумани "Янги авлод" МФЙ да 14 та 9 қаватли кўп қаватли уйлар қурилиши режалаштирилган. Бундан ташқари, "Янги Ўзбекистон" массивининг бош режасида келтирилган 100 қатновга мўлжалланган поликлиника ҳамда маҳалла маркази давлат дастурлари асосида қурилиши белгиланган бўлса, 25 ўринли меҳмонхона, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари, экобозор, коворкинг марказлари эса тадбиркорлар томонидан онлайн аукцион орқали қурилиши белгиланган.

Бугунги кунда 600 гектар майдонни эгаллаган Абдурахмон Жомий номи МФЙ худудида 4359 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Яқинда бу ерда барча қўлайликларга эга 20 та 400 хонадонли уй-жойлар ўз эгаларига топширилди. 5 қаватли ушбу замонавий уй-жойлар Янгир шаҳар соғлиғида ўзига хос янгилик бўлди. Хонадонлардаги қўлайликларни кўриб, кузатиб, хавас қиласиз. Янги уйлارга кўчиб қирган аҳоли ҳам ҳаётдан мамнун.

Шунингдек, вилоятда ижтимоий соҳа объектилари қурилишига ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектиларида қурилиш, реконструкция ва

капитал таъмирлаш ишларини ташкил этиш бўйича вилоят худудида 33 та объект мавжуд. Жумладан, 19 та умумтаълим мактаби, 1 та ижод ва иқтисослаштирилган мактаб, 5 та давлат мактабгача таълим ташкилоти, 3 та соғлиқни сақлаш ва тиббий-ижтимоий, шунингдек, 1 та олий таълим муассасаси, 2 та спорт, 2 та маданият ва санъат объекти барпо этилиши режалаштирилган. Шундан, 29 та объект Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекциясида рўйхатдан ўтган бўлиб, ҳозирда ушбу объектиларнинг 7 тасида қурилиш-монтаж ишлари якунланиб, фойдаланишга қабул қилинган.

Қолаверса, кўп квартирали уйлари капитал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектиларини қуриш бўйича Гулистон шаҳар ЭРК1 ва ЭРК2 иссиқлик таъминоти тармоқларини тортиш ишлари ҳам якунланган. Шунингдек, сув таъминоти ва оқова сув объектилари қурилиш буюртмачилиги асосида ичимлик суви ҳамда оқова сувларни чиқариб ташлаш сув иншоотлари объекти қурилиб, фойдаланишга топширилган.

Бундан ташқари, аяни пайтда вилоят худудида тадбиркорлар томонидан дастурдан ташқари 61 та кўп қаватли турар жойларда қурилиш-монтаж ишлари олиб бориляпти. Ҳозирга қадар 10 та кўп қаватли турар жой фойдаланишга топширилган.

Таъкидлаш керакки, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар Сирдарё вилоятининг чекка худудларида ҳам қўл очмоқда. Мақсад, аҳолига ҳар томонлама муносиб турмуш шароитини яратишдан иборат. Албатта, амалга оширилаётган бундай улкан қурилиш, бунёкорлик ишлари натижасида худудларга муносиб ҳаёт, фаровонлик нафаси кириб бормоқда. Бу эса юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар ҳар бир инсон учун, ҳар бир юртошимиз манфаатлари учун хизмат қилишининг ёрқин ифодасидир.

Нодир НУРОВ, Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси бошлиғи.

БУНЁДКОРЛИК ВА НАЗОРАТ – ривожланиш калити

Қурилиш – ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг асосий тармоқларидан бири бўлиб, унинг ривожланиши инфратузилма, саноат, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий соҳалар тараққиётига бевосита таъсир қилади. Барча худудлардаги каби бугун Бухорода ҳам кенг миқёсда янги уй-жойлар бунёд этиш ишлари жадал ривожланиб, мамлакат тараққиётига улкан ҳисса қўшмоқда. Қолаверса, уй-жойларнинг сифат назорати тартиби ҳам қатъий белгиланган.



Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси инспекторларининг хизмат ваколатлари, назорат тадбирлари предметлари, қўлланган таъсир чоралари, томонларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини химоя қилиш учун барча жиҳатлар инобатга олинган. Шу ўринда айтиш жоизки, давлат қурилиш назоратига олинган қурилиш объектиларининг хавф-хатар тоифаси бўйича мураккаблик тоифалари таснифи кўрсатилган. Хавфлилик омили паст, ўрта, юқори ва ўта юқори тоифаларга бўлиниб, унга асосланиб қурилиш объектиларида назорат ишларининг олиб бориш даврийлиги белгиланди.

Эндиликда, I-тоифа, яъни хавфлилик омили паст бўлган объектиларда давлат қурилиш назорати олиб бориладими. Аксинча, хавф-хатар тоифаси юқори бўлган объектиларда назорат тадбирлари ҳар бир ойда тўрт мартабадан кўп бўлмаган ҳолларда амалга оширилиши белгилаб қўйилди. Жумладан, 4 қаватдан 12 қаватгача бўлган уйлар III хавф-хатар тоифасига мансуб бўлиб, уларда инспекторларимиз томонидан ойда 3 мартабадан кам бўлмаган тарзда сифат назоратлари ўтказилади.

Шу ўринда, сифат назорати бузилган тақдирда қандай чоралар қўрилади,

деган савол туғилиши табиий. Айтиш лозимки, қурилиш соҳасида содир этилган ҳар қандай ҳуқуқбузарлик ҳолатлари учун жазо муқаррар. Назорат тадбирлари давомида қурилиш ишларида лойиҳадан четга чиқиб ҳолатлари кузатилса ёки бунёдорлик ишлари шаҳарсозлик норма ва қоидаларига зид равишда олиб борилса, аввалига ёзма кўрсатмалар берилади. Ёзма кўрсатма талаблари белгиланган муддатларда бажарилмаган тақдирда эса Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 99-моддасига асосан, маъмурий баённомалар тузилиб, жаримага тортилади. Тақдимномалар киритилади. Сифатсиз қурилган, зилзилабардошлилиги таъминланмаган ҳолатда судларга даъво аризаси киритилади.

Фикримни мисолларда изоҳлайдиган бўлсам, ўтган йилда инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат қилиш бўлимининг худудларга бириктирилган инспекторлари томонидан йил давомида "Шаффоф Қурилиш" миллий ахборот тизими орқали қурилиш объектиларида 13598 маротаба мониторинг ўтказилган. 18662 та йўл қўйилган камчиликларнинг бартараф этилиши учун ёзма электрон шаклда кўрсатмалар берилган. Қурилиш объектида 382 та тақдимно-

ма орқали ички назорат ходимларига нисбатан 124 та, муаллифлик назорати ходимларига нисбатан 148 та, техник назорат ходимларига нисбатан 110 та тақдимнома киритилган. Сифатсиз қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчиларга нисбатан 108 та тақдимнома чиқарилган. 657 та маъмурий иш ҳужжатлари расмийлаштирилган. Давлат дастури асосида қурилатган, реконструкция қилинган ҳамда мукамал таъмирланаётган объектиларда 1,205 миллиард сўм ҳажмли сифатсиз иш қўламлирини молиялаштиришдан чегириб қолинган.

Уй-жой қуришдаги энг муҳим масала – қурилиш ишларини бошлаш учун тадбиркорлар қандай руҳсатномаларни олиш жараёни ҳисобланади. Худудий инспекция томонидан "Қурилиш ишларини бошлаш учун руҳсатнома бериш" хизмати бўйича 2024 йилда 809 та объект рўйхатга олинган бўлиб, шундан, 653 та объектининг аризаларига илова қилинган ҳужжатларда камчиликларни мавжудлиги сабабли қайта кўриб чиқилганлиги натижасида жами келиб тушган аризалар сони 1462 тани ташкил қилади. Жорий йилда эса, мазкур йўналиш бўйича, жами 108 та объекта қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун руҳсат берилган. Шундан, 75 таси қайта мурожаат қилинган аризалар ҳисобига

жами келиб тушган аризалар сони 183 тани ташкил қилади.

Бундан ташқари, руҳсатномага эга қурилиш ташкилотлари томонидан қурилган янги уйлarning қафолат муддати ва шу даврда юзага келган муаммоларни бартараф этиш алоҳида эътибор талаб қилади. Бунда ПҚ-5152-сонли қарорга асосан иш олиб боришмоқда. "Кўп квартирали уй-жойларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги мазкур қарорга кўра, қурилиш тугалланган ва фойдаланишга қабул қилинган кўп квартирали уй-жойни бошқариш биринчи икки йилда қурувчи ташкилот томонидан амалга оширилади ҳамда мазкур муддатга кўп квартирали уй-жой эксплуатациясининг қафолат муддати жорий қилинади. Бунда қурувчи томонидан бошқариш усули танланади ёки мазкур вазифани амалга ошириш учун шартномага асосан бошқарувчи ташкилот жалб қилиниши мумкин.

Кўп ҳолларда аҳолидан ҳам шикоятлар тушиши эҳтимолдан ҳоли эмас, албатта. Жумладан, 2024 йил мобайнида жисмоний ва юридик шахслардан жами 448 та мурожаат келиб тушган бўлиб, шулардан 337 таси электрон мурожаат, 88 таси ёзма ва 23 таси оғзаки мурожаатлардан иборат. Виртуал қабулхонадан 310 та, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекциясида 50 та, Бухоро вилояти ҳокимлигидан 20 та мурожаат келиб тушган. Ҳар бир мурожаат бўйича тегишли чоралар қўрилиб, айрим масалалар юзасидан муаммоларни хал этиш бўйича иш олиб боришмоқда.

Шундай бўлса-да, қурилиш жараёнида учраётган муаммолар, жумладан, сифатсиз ишлар, муддатлар бузилиши ва аҳоли мурожаатлари юзасидан назорат ишлари ҳали-ҳануз долзарблигини сақлаб қолмоқда. Жорий йил соҳада шаффофликни янада ошириш, назоратни кучайтириш ва фуқароларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш йўлида тизимли ишларни давом эттиришни мақсад қилганмиш. Ушбу соҳадаги ислохотлар ва ривожланиш жараёنлари улускинг давом эттирилиши лозим. Буларнинг бари жамиятимиз ривожини учун хизмат қилади. Зеро, қурилиш фақат бинолар барпо этиш билан чекланмайди – у барқарор тараққиёт, иқтисодий ўсиш ва аҳоли фаровонлигининг муҳим пойдеворидир.

Янги бинолар талаб даражасида бўлиши лозим

Муроджон НЕЪМАТОВ, Наманган вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси бошлиғи.

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг ҳар бир жабҳасида кенг қўламли қурилиш ва бунёдорлик ишлари амалга оширилмоқда, қурилиш ишларининг ҳажми йилдан-йилга ўсмоқда. Халқ фаровонлиги йўлида барча худудларда аҳоли ва давлат идоралари ходимларига қўлай шароит яратиш мақсадида замонавий таълим муассасалари, маҳалла ва ҳуқуқ-тартибот масканлари, тиббиёт ва соғломлаштириш муассасалари каби қатор хизмат кўрсатиш шохобчалари, кўп қаватли турар жой бинолари, янги йўл ва кўприклар қурилатгани, сув ва электр тармоқлари тортилатганига гувоҳ бўламиз.



Албатта, бу халқнинг фаровон турмуш кечирishi истаги билан бирга иқтисодий имконияти кенгаётгани, ўз навбатида давлатнинг янги қурилишларни амалга оширишга маблағи етаётганидан далолат беради. Лекин ҳар қандай бино-иншоот қурилиши, унинг хавфсиз ва меъёрлар асосида битказилиши доимий назоратда эканлигини унутмаслик керак. Қурилатган ҳар бир бино ва иншоот халқимизга узоқ вақт ҳамда барқарор хизмат қилиши мақсадга мувофиқдир.

Бу борада ўтган 2024 йилда Наманган вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий на-

зорат қилиш инспекцияси томонидан худудий инспекция рўйхатидан ўтган, тизимда мавжуд бўлган жами 1536 та қурилиш объектида назорат ишлари амалга оширилди. Ўтган йилда жами 165 та объект фойдаланишга топширилган ва 1004 та объект рўйхатга олинган. Худудий назорат қилиш инспекциясида жами 767 объект рўйхатдан ўтказилган. Шундан 103 та ижтимоий ва инфратузилма, 664 та тадбиркорлик ва бошқа объектилар рўйхатга олинган.

Инспекция мутахассислари томонидан рўйхатдан ўтган объектилар қурилиш устидан "Қурилишда давлат назорати" шаффоф электрон тизими орқали

жами 15130 марта мониторинг ишлари ўтказилди. Мониторинглар жараёнида қурувчи ва пулрат ташкилотлари мутахассисларига қурилишда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича жами 20952 та бажарилиши мажбурий кўрсатма берилиб, 20401 та ёзма кўрсатма бўйича камчиликларни ўз вақтида бартараф этишга эришилган.

Беришган кўрсатмаларда камчиликларни ўз вақтида бартараф этмаганлиги сабабли, жами 551 та шаҳарсозлик субъектиларининг мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий баённомалар расмийлаштирилиб, жарима тайинланди. Шунингдек, объектиларда сифатсиз қурилиш материаллари ва буюмларнинг қўлланилатгани ҳолатлари бўйича ишлаб чиқарувчиларга, етказиб берувчи ва фойдаланувчи субъектиларга нисбатан 47 та тақдимнома киритилди.

Президентимиз томонидан ўтказилган видеоселектр йиғилишида жорий йилда дастурлар доирасидаги қурилиш ишлари салмоғи янада ошиши таъкидлаб ўтилди. Шундай экан, ҳар бир қурилиш объектини пойдевордан бошлаб пардозига қадар сифатли бўлишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси томонидан соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ижросини таъминлаш, инспекция фаолиятида назоратни кучайтириш, шаффофликни таъминлашни янада мустаҳкамлашни мақсад қилганмиш.



Рамазон – саховат, бирдамлик ва бағрикенглик оёи

Адхам ЭГАМБЕРДИЕВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Рамазон оёи – бутун мусулмон олами, жумладан, юртимиз учун муборак, шукуҳли ва улкан аҳамиятга эга. Бу ойда қалблар покланиб, гўзаллашади, руҳлар тозаланган ҳолда, нафслар жиловланади. Рамазон – қалбларимизга нур, вуҷудимизга соғлиқ, руҳимизга сафо олиб келадиган махсус давр. У юртимизда, айниқса, янги Ўзбекистоннинг юксалиш йўлида, миллий қадриятларни янгилаш ва маънавий тараққиётда беқиёс аҳамият касб этмоқда. Масжидларимизда Қуръони Карим хатм қилинмоқда, инсонлар ўзларини руҳан тарбиялаш йўлида мужодалага киришган.

Рамазон оёи нафақат имонимизни мустаҳкамлаш, балки жисмоний ва маънавий покланиш учун ҳам ажойиб имкониятдир. Рўзадаги асосий шартлар – сахардан шомгача таом ейиш, ичимлик ичиш ва шаҳватдан тийилиш бўлса-да, рўзадаги ҳақиқий мақсад, ҳақиқий тарбия, нафақат танани озик-овқатдан чеклаш, балки тилни ва қалбни ҳам пок тутмоқликдир.

Рўзанинг инсон жисмига фойдаси илм-фан намояндалари томонидан асослаб берилган. 2016 йил япон олими Ёсинори Осуми Физиология ва медицина бўйича Нобель мукофоти сазовор бўлди. Бу мукофот олимга унинг аутофагия механизми борасидаги тадқиқотлари ва кашфиёти учун берилди. Аутофагия – грек тилидан олинган бўлиб, ўзини ўзи ейиш маъносини англатади. Инсон оч қолганда унинг организми зарарли тўқималардан озод бўлади. Шунинг учун япон олими: "Аутофагия организмининг очликка, ҳужайралар эса стрессли вазиятларга мослашишининг ажралмас қисмидир", дея таъкидлаган. Нобель мукофоти сазовор бўлган профессор ихтиёрий ва тизимли оч қолишининг инсон саломатлигига фойдасини илмий тарзда исботлаб берди.

Рўза айнан ихтиёрий ва тизимли оч қолишининг ислом таълимотида улуғ ибодат ҳисобланган шаклдир. Рамазон оёида, рўза орқали инсон ўзининг ички дунёсини поклаш, фикрини тинтиклаштириш ва маънавий юксалишга интилиш имкониятига эга. Бу даврда кўплаб илм-фан намоёндалари, шoirлар, олимлар ўз ишларини амалга

оширганлар. Мисол сифатида, машҳур олим Бурҳониддин Марғинойий 13 йил давомида рўза тутиб, ўзининг "Ал-Ҳидоя" асарини яратган. Ушбу асар рўзанинг ҳикмати, инсон қалбнинг покланиш жараёнини ўзида мужассам этади.

Рамазон сўзининг мазмуни ҳам араб тилидан таржима қилинганда "қаттиқ иссиқ", "қуйдирувчи иссиқ" маъноларини беради, бу ой инсоннинг гуноҳ ва нуқсонлари қуйиб кетишини англатишини олимлар қайд этганлар. Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бу борада: "Қим ёлгон гапиришни ва унга амал қилишни қўймаса, унинг таоми ва ичимлигини тарк қилмоғига Аллоҳнинг эҳтиёжи йўқ", дея марҳамат қилдилар. Хадисдаги нозик нукта шундаки, аслида Аллоҳ таоло беҳожат зотдир. Мотуридия ақидаси бўйича Аллоҳнинг ҳеч нарсага эҳтиёжи йўқ. Балки барча нарса унга муҳтождир. Рўзанинг маънавий жиҳати муҳимлигига сабаб Пайғамбар ёлгонни тарк қилишини Аллоҳнинг эҳтиёжи демоқда. Яъни Аллоҳнинг ризоси, амри ёлгонни ва унга амал қилишни тарк қилишдир. Бундан Рамазон рўзасини тутишда турли маънавий иллатлардан, айниқса, ёлгончиликдан тийилиш нақадар муҳимлиги келиб чиқади.

Рамазон – бу саховат ва мурувват оёи. Ушбу ойда амалга оширилган ҳар бир яхшиликнинг ажри кўпаяди. Мусулмонлар ўзларининг нафсини тийиб, барчага меҳр, саховат кўрсатишлари керак. Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам Рамазон оёида саховатда энг юқори

чўққига чиққанлар. Уларнинг саховатлари, мурувватлари Рамазоннинг муборак кунларида янада кучаяди. Рамазон, шунингдек, маънавий баркамолликни, сабр-тоқатни, ростгўйликни ва ҳалолликни шакллантириш учун идеал давр ҳисобланади. Бу ойда одамлар нафақат ўзини балки бошқаларни ҳам ўйлаб, ёрдам беришга интилишади. Рўза – бу нафақат очлик ва ташналик, балки қалбни поклаш, ҳақиқатни англаш ва инсонлар ўртасида тинчлик, муҳаббатни ўрнатишдир.

Хусусан, ушбу оёи юқори кайфият, пухта тай-ёргарлик, тинч-хотиржам ўтказиш юзасидан давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 27 февралда "Муборак Рамазон оёини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Қарорда мамлакатимизда виждон эркинлигини таъминлаш, муқаддас ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини ўзида мужассам этадиган қадрият ва аъёнларни беэвол саклаш ҳамда келгуси авлодларга етказиш, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, миллатлар ва динлараро тотувлик ва ҳамжихатлик муҳитини мустаҳкамлаш, кўмакка муҳтож, ногиронлиги бўлган ва эҳтиёжманд инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида улкан ишлар олиб борилаётгани алоҳида таъкидлаб ўтилган. Халқимиз учун азалдан меҳр-оқибат, шукроналик ва бағрикенглик тимсоли бўлиб келган муборак Рамазон оёини муносиб кутиб олиш ва юқори савияда ўтказиш мақсад қилинган.

Қолаверса, ушбу фазилатли ойда "Рамазон – саховат, бирдамлик ва бағрикенглик оёи" гоёси асосида:

эҳтиёжмандлар ҳамда илм-маърифат йўлида изланаётган ёшларга ёрдам бериш бўйича ташаббусларни қўллаб-қувватлашга;

оилавий ришталарни мустаҳкамлаш, маҳалларда ўзаро тушуниш ва ишонч муҳитини кучайтириш ҳамда ҳурмат ва меҳр-оқибат қадриятларини тараннум этишга;

атроф-муҳитни асраш, муқаддас қадамжо, зиёратгоҳ ва қабристонларни ободонлаштириш, кўчатлар экишга ҳамда Рамазон оёи билан боғлиқ тадбирларда меъёрга амал қилиш ва исрофгарчиликка йўл қўймаликка алоҳида эътибор берилиши белгилаб қўйилган.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу оёи кўтаринки кайфиятда давлат даражасида алоҳида тай-ёргарлик билан амалга оширилаётган экан, биз ҳам ушбу ойда яхшиликларни кўпайтиришимиз, камчиликларимизни бартараф этиб, ўзаро меҳр-муҳаббатни мустаҳкамлашимиз энг эагу амаллардан ҳисобланади. Шундагина маънавий поғоналаримиз юқорилаб, қилган ибодатларимиз қабул бўлади.

Яна бир қувонarli жиҳати, бу йил икки баҳор баравар келди. Бири табиат баҳори бўлса, иккинчиси инсонни янгиловчи баҳордир.

Фурсатдан фойдаланиб, яшарш ва яшатиш фасли ҳамда Рамазон оёи муносабати билан барча юртдошларимизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий тинчлик, қалб хотиржамлигини тилаймиз!

Фахрийлар

Соҳа ривожига катта ҳисса қўшмоқда

Шерзод НИЗАМОВ, Архитектура ва қурилиш соҳасида фахрийлар кенгаши раиси ёрдамчиси.

Ҳар бир соҳанинг ривожини унда фаолият олиб бораётган малакали мутахассислар, устозларнинг бой тажрибаси ҳамда ёш кадрлар салоҳиятига бевосита боғлиқ бўлади. Бунёдкорлик соҳаси ҳам шундай. Бу соҳани замон талаби даражасида ривожлантириш, унга энг сўнгги технологияларни олиб кириш, дунё тажрибасини ўзлаштиришда архитектура ва қурилиш соҳаси фахрийларининг ҳам ҳиссаси катта эканлигини таъкидлаш лозим.

Ана шундай тажрибали мутахассислардан бири, архитектура ва қурилиш соҳаси фахрийси – Тоҳир Ботировдир. Сирдарё вилоятида зиёлилар оиласида таваллуд топган Тоҳир Ботиров Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг санат фуқаро қурилиш йўналишини муҳандис-қурувчи мутахассислиги бўйича тамомлаган. Иш фаолиятини "Сирдарёстрой" трестининг 4-сонли кўчма механизациялашган колоннасида катта муҳандис, ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи сифатида бошлаган.

1981 йилда қурувчи талабалар отряди республика штаби раҳбари этиб тайинлангандан сўнг, у бир неча йиллар давомида шижоатли ёшлар билан бирга республикадаги қатор объектларни қуриш жараёнида фаол қатнашган. 1986 – 2002 йилларда Тошкент шаҳридаги "Ҳажмли-блокли эксперименталюзослик" комбинатида бошқарма бошлиғи бўлиб ишлаган. Бу даврда пойтахтнинг барча туманларида барпо этилган ҳажм-блокли турар жойларни давлат қабул қилиш комиссиясига топшириш ишларида қатнашган. 2006 йилларда Тошкент вилояти Давлат архитектура ва қурилиш соҳасида давлат назорати инспекцияси бошлиғи сифатида фаолият юритган.

Тоҳир Ботиров 2011 йилда "O'zog'irsanoatloyiha" АЖДа Қурилиш материаллари ва конструкциялари синон лабораториясини ташкил қилиб, бугунги кунда унга раҳбарлик қилиб келмоқда.



У йиллар давомида қурилиш соҳаси фахрийси сифатида ёш авлодга "Устоз-шоғирд" аъёнлари асосида билим ва тажрибасини ўргатиб келяпти. Қолаверса, ўз гоёлари орқали бино ва иншоотларни лойиҳалаш, қуриш, техник жиҳатдан тартибга солиш ишларини шаҳарозлик метёрилари ва қондаларига мувофиқ амалга оширилишини таъминлаб, Ўзбекистонда қурилиш соҳасининг ривожига катта ҳисса қўшиб келмоқда. Бундан ташқари, Т. Ботиров шаҳарозлик ва архитектура соҳасини ривожлантириш бўйича таъсирчан ишлар чикиш, ушбу соҳада концепциялар ва дастурларни шакллантириш, шаҳарозлик соҳасидаги замонавий талабларни амалиётга жорий этиш, миллий архитектура-маданий аъёнларни

ривожлантириш, шунингдек, шаҳар худудларидан самарали фойдаланиш ва аҳоли пунктларининг архитектура-режалаштириш бўйича таъсирчан ишлар чикишда фахрий кенгаши аъзоси сифатида ўз таъкидларини бериб келмоқда. Лавозимидан ташқари, ўз тажрибаси ва билиминини ёшларга ўргатиш мақсадида республикамизда сифат назорат тизимида ишлаётган ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнида ҳам фаол қатнашмоқда.

"O'zbekiston Respublikasi mustaqilligiga 15 yil" va "O'zbekiston Respublikasi mustaqilligiga 20 yil" эсдалик нишонлари билан тақдирланган ўз соҳасининг пухта билимдонига келгусидаги ишларида биз ҳам улкан муваффақиятлар тилаймиз.

ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МҮБОРАК БЎЛСИН!

2025 йил март ойининг 4-6 саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирилик аппарати раҳбари **Воситжон Имомов**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси девонхона етакчи мутахассиси **Шоҳсанам Султонова**, Кўп қавртирли уй-жой фонднинг умумий фойдаланишидаги жойларини таъмирланиши назоратини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси **Жасур Маданбеков**,

"Техник меъёриш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти" директорининг биринчи ўринбосари **Абулқосим Абдуҳолиқов**, "Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти" ДМ бош мутахассиси **Наргиза Маликова**, фаррош **Наргиза Махаматова**, "Шимолӣ" филиали директори **Айтжан Турумбаев**,

"Ўзгирсанотлоийҳа" АЖ ООПР хайдовчиси **Исламжон Ибрагимов**, ОИСК муҳандиси **Ботиржон Сироқидинов**, АСС-2 сектор раҳбари **Ақром Бўтаев**, етакчи муҳандис **Шоҳруҳ Абдуразақов**,

"O'zshaharozlik LITI" ДМ Хўжалик ва дастурий-техник таъминоти бошқармаси кўриқчиси **Алишер Алиқулов**,

Андижон вилояти Балиқчи тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Сарварбек Охунов**,

Бухоро вилояти Когон шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Миржалол Сайдуллаев**, Ғиждувон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Истом Остонов**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси буюртмачилар билан ишлаш бўлими бошлиғи **Незьматулла Адзиев**,

Фарғона вилояти "Иссиқлик манбаи" ИЧБ ПТО **Раҳматилло Маҳмудов**, Андижон вилояти Хонобод шаҳридаги "Хонобод-уй обод" БСК МЧЖ бош директори **Шоҳруҳбек Абдувалиев**,

Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги "Янги Наво Барака Компания" БСК МЧЖ бош директори **Нигора Ўроқова**,

Наманган вилояти Давлатобод туманидаги "Муствақиллик бошқарув сервис компанияси" МЧЖ бош директори **Наргиза Турсунова**,

Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги "Жарқўрғон уй-жой хизмат" БСК МЧЖ бош директори **Қаҳрамон Холмуратов**,

Тошкент вилояти Бўка туманидаги "Бўка Маданият БСК" МЧЖ бош директори **Алижон Каримов**, Нурафшон шаҳридаги "Bekzod servis 777" БСК МЧЖ бош директори **Бекзод Каримов**, Бекобод шаҳридаги "Baxtiyor-Classik-Servis" БСК МЧЖ бош директори **Ихтиёр Нормуродов**,

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги "Кафолат таъмир" БСК МЧЖ бош директори **Лариса Пирвалова**, "Технокоммун хизмат плюс" БСК МЧЖ бош директори **Ҳаёт Джаббаров**,

Юнусобод туманидаги "Кунаева-Афросиёб-сервис" уй-жой мулкдорлари ширкати бошлиғи **Дилдора Ибрагимоваларни** таваллуд қилиши билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!

"Khorezm Invest Project" МЧЖ

Инвестиция компанияси

САВДОЛАРГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Савдоларга Инвестиция компанияси балансида бўлган Хоразм вилояти Ҳазорасп тумани, Пичоқчи маҳалласи, Истиклол кўчаси, 218-уйда жойлашган, **ер участкаси майдони** – 162,53 квадрат метр, **умумий фойдаланиш майдони** – 264,0 квадрат метр, **қурилиш ости майдони** – 162,52 квадрат метр, **умумий майдони** – 325,04 квадрат метр бўл-

ган, жами 2 қаватдан иборат Маиший хизмат кўрсатиш ва савдо биноси қўйилмоқда.

Манзил: Хоразм вилояти Ҳазорасп тумани, Пичоқчи маҳалласи, Истиклол кўчаси, 218-уй.
Тел.: 62-223-17-79, 97-221-55-57.



IJTMOIY-IQTISODIY GAZETA
**O'ZBEKISTON
BUNYODKORI**
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Шерзод Ҳидоятлов,
(Таҳрир хайъати раиси),
Давронжон Адиллов,
Тоир Алиматов,
Озода Жўраева,
Сирожиддин Эшқувватов,
Козим Туляганов,
Юлдаш Мағрупов,
Бобир Эмүрдов,
Илҳом Аҳмедов.

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Маҳкамов**

Мусаҳҳих **Марҳамат Мусулмонқулова**

Газета "Ўзбекистон бунёдкори" **Наشريёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

"ЎЗБЕКISTON БУНЁДКОРИ" НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирилик, "Ўзсанотқурилишматериаллари" уюшмаси, "ЎзГАШКЛИТИ" ДУК, "ЎзшаҳарозликЛИТИ" ДУК, "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ, "ЎзгеорангметЛИТИ" ДУК.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 18-уй.
Телефонлар:
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г- 341.
2091 нусхда босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нарҳда. ISSN 2181-8762. Таҳририятта келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
"Буюк Турон" кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир – Р. Хўжаева.
Навбатчи – А. Ҳақбердиев.

Ўза якуни – 21.15.
Тошпириш – 21.50.